

2024 йил 23 август кундаги жума тезисига илова

Ҳурматли жамоат! Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами олдида мамлакатимизда жорий йилнинг **24-25 август кунлари “Маҳалла обод - юрт обод”** шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари эълон қилинди.

Динимизда эзгу ишларда ҳамкорлик қилиш ҳақида Аллоҳ таоланинг: **“Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг...”**, деган буйруғига лаббай, деб жавоб берган халқимиз ўзаро холис ёрдам-ҳашарни йўлга қўйишган. Халқимиз ичида минг йиллардан бери давом этиб келаётган гўзал анъана-ҳашар динимиз бизга таълим берган гўзал ахлоқ, одамийлик, ўзаро муҳаббат, ҳамжихатлик ва ҳамдардлик каби олийжаноб хулқларни ўз ичига олади. Оғир-оғир юмушлар кўпчиликнинг жисмоний, моддий ва маънавий ёрдами билан осон битиб кетган.

Маълумки, умумхалқ хайрия ҳашаридан кўзланган мақсад **маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ховлилар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ҳамда болалар майдончаларини** ободонлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, шу кунлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ёрдам кўрсатиш эзгу ишлардан ҳисобланади.

Мана шу кунларда ҳар биримиз имкониятимиз даражасида бу тадбирларга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Юртимиз, шахримиз, маҳалламиз тоза-озода, обод бўлиши, муҳтожларга ёрдам бериш айна динимизнинг ҳам талабидир. Мана шундай хайрли ва савобли ишдан четда қолмайлик. Зеро динимизда худбинлик қораланади, одамларга фойда келтириш эса макталади.

Ҳурматли жамоат! Бизга охиратни эслатиб турадиган, ўтган аجدодларимиз дафн қилинган қабристонлар ҳам шундай кунларда назардан четда қолмаслиги лозим. Қабристонларни ҳам тоза-озода, обод қилиш, қаровсиз қолган қабрларни имкон қадар қайта суваб қўйиш, айниқса куз фасли муносабати билан қуриб қолган дарахтлар шох-шаббалар ва қуриб қолган майсалардан тозалаш биз авлодларнинг бурчимиздир. Шунингдек, қабристоннинг таъмирталаб деворларини кўтариш ва уларни оқлаш ҳам аҳамиятга молик ишлардандир.

Бундай хайрли тадбирларда барчамиз бирлашиб, мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишимиз Ватан олдидаги ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Аллоҳ таоло ҳаммамизга ғайрат-шижоат берсин, доим халқимизга фойдали инсон бўлишни насиб айласин.! Омин!

